
#ЖАРАЁН: АЁЛЛАР ДАФТАРИДАГИ ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ БАНДЛИГИ ТАЪМИНЛАММОҚДА

Юртимизда “Инсон қадри” тамойили асосида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Чиндан ҳам, турли муаммолари билан маълум дафтарларда турган фуқароларга бир қатор ёрдамлар кўрсатилмоқда, уларнинг муаммолари ҳал этилмоқда.

Бугун Бағдод туманидаги маҳаллаларда “Аёллар дафтирига” киритилган яна 60 нафар хотин-қизларнинг бандлигини таъминлашга эришилди. Уларга қобилияти ва истагига қараб, тикув машиналари топширилди.

Субсидия асосида берилган ушбу ускуналарни аёлларга Бағдод тумани ҳокими Фанижон Солиев, сектор раҳбарлари ва мутасаддилар топширишди.

Бағдод тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати (https://t.me/bagdodim_news)

2024-09-27 18:26:22